



2020 yil 10 aprel

446-Қ - sonli

Ishtixon sh.

“Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиалига антенна мачта иншооти ва унга тегишли курилмаларни ўрнатиш учун Иштихон туман худудидан доимий фойдаланишга 472.0 кв.м ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 20-23-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 22 майдаги ПФ-4329-сонли Фармонининг 9-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва ”Электрон ҳукумати” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 майдаги ПФ-4321-сонли Фармонининг 4-д бандига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги №63-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали директорининг биринчи ўринбосари А.Т.Ғоибназаровнинг мурожаатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Иштихон туман ҳокимининг 2019 йил 20 майдаги 3345-Қ-сонли қарорига асосан тузилган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиянинг 2020 йил 5-февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиалига антенна-мачта иншооти ва унга тегишли курилмаларни ўрнатиш учун Иштихон тумани «Янгикент» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган 395-рақамли контуран 300,0 кв.м, «Тойтуёк» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган 394-рақамли контуран 72,0 кв.м қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони, «Бешбола» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган 73-рақамли контуран 100,0 кв.м яйлов ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин ва тегишли қурилиш ишларини олиб боришга рухсат берилсин.

3. “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиалининг Иштихон туман худуди бўйича умумий ер майдонлари 472.0 кв.м. этиб белгилансин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов) ва туман бош архитектори (А.Муродов)ларга туман ҳокимлиги ҳамда “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали ўртасидаги ер ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, ажратилган ер майдонини жойда ўлчаб бериш вазифаси топширилсин.

5. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Б.Тошқулов)га “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиалига ер майдони ажратилиши муносабати билан амалдаги қонунлар асосида солиқларни ундириш топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (У.Исломов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов